

– Мен шифокор эғнидаги оқ либосни нафақат касб белгиси, балки Ватанга чексиз садоқат рамзи деб биламан. Бундан буён ҳам шифокорнинг, ҳар бир тиббиёт ходимининг обрўсини ҳимоя қилиш, унга ҳар томонлама муносиб шароит яратиш эътиборимиз марказида бўлади. Ишончим комил, биз биргаликда Янги Ўзбекистонни бошқа соҳалар қаторида тиббиёти ҳам ривожланган давлатга айлантирамиз.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг 10 ноябрь куни тиббиёт ва фармацевтика ходимлари билан учрашувдаги нутқидан

Inson manfaatlari — oliy qadriyat

ADOLAT

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

№ 45 (1562)

2025-YIL 14-NOYABR, JUMA

adolat24.uz/
t.me/Gazeta_Adotat



Тиббиёт ва фармацевтика ходимларини қўллаб-қувватлашда янги босқич

Робахон МАХМУДОВА,
Ўзбекистон “Адолат” СДП
Сиёсий Кенгаши раиси,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасидаги партия
фракцияси раҳбари

Куни кеча мамлакатимизда фидойи касб эгалари бўлган тиббиёт ходимлари куни нишонланди. Ушбу байрам арафасида

“Тиббиёт ва фармацевтика ходимларини қўллаб-қувватлаш чоралари тўғрисида”ги Президент қарорининг қабул қилиниши соҳага эътибор ва ғамхўрликнинг амалий ифодаси бўлди десак, адашмаймиз.

Қарорга кўра, тиббиёт тизимида меҳнат қилаётган фидойи шифокорлар ва фармацевтлар учун бир қатор имтиёзлар эълон қилинди. Хусусан, давлат тиббиёт муассасаларида камида 15 йил фаолият юритган ходимларнинг фарзандларига таълим контракти суммасининг 30 фоизгача қисми, ипотека кредити олишда дастлабки бадал тўловининг 25 фоизи

қоплаб берилиши белгиланди. Бундан ташқари, шифокор ва фармацевтлар йилда бир маротаба республика ҳудудидаги санаторийларга бепул йўлланма олиш ҳуқуқига эга бўлади. Барча турдаги давлат хизматлари учун тўловлар миқдори икки баробар камайтирилади.

Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг соҳа ходимларидан бир гуруҳи билан учрашиб, самимий мулоқот ўтказгани ҳам тиббиёт ходимларига эътиборнинг давлат сиёсати даражасига кўтарилаётганидан дарак беради.



...Марказий Осиё яқин ўн йилликларда қандай ривожланади деган принципиал саволга биргаликда жавоб беришимиз зарур.

Марказий Осиё аҳолиси 80 миллионлик маррадан ўтиб бўлди, БМТ прогнозларига кўра, 2050 йилга бориб, бу кўрсаткич 100 миллиондан ошади. Шунингдек, Марказий Осиё дунёнинг энг ёш минтақаларидан бири бўлиб, аҳолисининг ўртача ёши атиги 29 ёшни ташкил этмоқда.

Олдимида ушбу демографик ресурсни тараққиёт ва инновациянинг қудратли омилига айлантириш, ёшларимизнинг истеъдоди ва имкониятларини рўёбга чиқариш учун шароит яратиш вазифаси турибди.

Айни пайтда мамлакатларимизнинг ўзаро ҳамкорликни ривожлантириши суверенитет, тенг ҳуқуқлилик ва ички ишларга аралашмаслик бора-сидаги мустақкам пойдевор асосида амалга оширилиши лозим деган вазмин ёндашувини қайд этиш муҳимдир. Ҳеч ким минтақа мамлакатларига бегона моделларни тиқиштирмаслиги ёки миллий тузилмалардан устун турадиган тузилмаларни яратмаслиги лозим.

Марказий Осиёдаги ҳамкорлик ихтиёрий, прагматик ва мамлакатларимиз халқларига фойда келтирадиган реал натижаларга йўналтирилган бўлиб қолиши керак...

Президент Шавкат Мирзиёевнинг “МАРКАЗИЙ ОСИЁ ЯНГИ ДАВР ОСТОНАСИДА” мақоласидан



МАСПАҲАТ
УЧРАШУВЛАРИ –
минтақавий
ҳамкорликнинг
самарали механизми



Мувофот муборак!

Қутлаймиз!

Хабарингиз бор, Президентимизнинг тегишли фармонида мувофиқ тиббиёт ходимлари куни муносабати билан мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизими ва фармацевтика ривожлантириш, тиббий хизматлар сифатини оширишдаги фаол иштироки учун бир гуруҳ соҳа ходимлари давлат мукофотлари билан тақдирланди.

Улар орасида Хива шаҳар кўп тармоқли марказий поликлиникаси шифокор-онкогинеколог, “Адолат” СДП Хива шаҳар кенгаши фаоли Алиева Жамила Азодовнанинг борлиги ва партиядошимиз II даражали “Саломатлик” орденига лойиқ кўрилгани биз, “адолатчилар” учун қувонарли бўлди.

Партиядошимизни юксак эътироф билан қутлаб, халқимиз саломатлиги йўлидаги ишларига улкан зафарлар тилаймиз.



ОБУНА-2026



Қадрли
юртдошлар!

2026 йил учун обуна
давом этмоқда.
“ADOLAT”га
обуна
бўлишингизга
ишонамиз.

OBUNA BO'LING

Обуна индекси - 100

ҲАҚИҚАТ
МАЁҒИ
СЎЗ
СЎЗ
СЎЗ

Матбуот моддият орқали яшайди, аммо маънавиятга хизмат қилади. У миллат қалбидаги нур бўлади, сўз орқали ҳақиқатни ёритиб туради.

Шунинг учун мен ҳар бир раҳбарни, ҳар бир муассисни, ҳар бир ватанпарвар инсонни чин дилдан даъват этаман:

МАТБУОТГА НАФАС БЕРИНГ!
ГАЗЕТАЛАРГА ҲАЁТ ҲАДЯ ЭТИНГ!
ОБУНАНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВATЛАНГ!

Чунки газета сўзи — ҳақиқат ойнаси, ҳақиқат эса халқнинг қиёфасидир!



Тиббиёт ва фармацевтика ходимларини қўллаб-қувватлашда янги босқич

1 Учрашувда иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш, одамларни ишли ва даромадли қилиш, ёшларга замонавий билим ва тарбия бериш, халқимиз саломатлигини мустаҳкамлаш бўйича ислохотлар жадал олиб борилаётгани таъкидланди.

Дарҳақиқат, сўнгги йилларда тиббиёт соҳасининг ўзига 230 триллион сўм йўналтирилгани ислохотлар кўламини дарак беради. Жорий йил соғлиқни сақлаш соҳаси учун 45 триллион сўм маблағ йўналтирилган бўлиб, ушбу рақамлар 2016 йилга нисбатан 6 баробарга ўсганини кўрсатади. Натижада жойларда 187 та янги поликлиника ва шифохона ишга туширилди, 1244 таси реконструкция қилиниб, жиҳозланди. Бирламчи тиббиёт муассасалари қуввати 60 фоизга ошиб, тиббий хизмат аҳолига янада яқинлашди. Бир вақтлар пойтахтдагина бажариш мумкин бўлган юқори технология ва диагностика-даволаш усулларининг 400 дан ортиғи ҳудудларда амалга оширилмоқда.

Натижада, юртимизда ўртача умр давомийлиги эркаклар ўртасида 73 ёшга, хотин-қизлар орасида 77,5 ёшгача ўзайган. Бу дунё микёсида солиштирганда ҳам мисли кўрилмаган ютуқ ҳисобланади.

“Машаққатли меҳнат маҳсули бўлган бундай эззу ишларда 600 мингдан ортиқ жонқуяр тиббиёт ходимларининг муносиб ҳиссасини эътироф этиб, ҳар қанча раҳмат айтсак, арзийди”, – деди давлатимиз раҳбари ўз нутқида.

Президентимиз фармацевтика ходимларининг масъулиятли вазифаси ҳақида ҳам алоҳида тўхталди. Замонавий тиббиётни фармацевтикасиз тасаввур қилиб бўлмаслиги инobatта олиниб, ушбу байрамни “Тиббиёт ва фармацевтика ходимлари куни” деб қайта номлаш таклиф этилди.

Шунингдек, Давлатимиз раҳбари тиббиёт ходимларининг меҳнатига қўшимча рағбатлар ажратилишини эълон қилди. Эндиликда ҳар йили тиббиёт ва фармацевтика ходимлари куни муносабати билан давлат тиббиёт муассасаларининг барча ходимлари муайян пул мукофоти билан рағбатлантирилади. Туманда янги даволаш усулини жорий қилган шифокорлар 21 миллион сўмдан мукофот олади. Тадқиқот олиб бораётган шифокорларга халқаро тан олинган журналларда илмий мақола қачириш учун сарфлаган харажатлари тўлиқ қоплаб берилди.

Албатта, тиббиёт соҳасида хусусий секторнинг улуши ҳам сезиларли

равишда ошиб борапти. Қайд этилишича, ҳозирги кунда тиббий хизматларнинг 30 фоизи хусусий сектор томонидан кўрсатилмоқда.

Йигилишда хусусий клиникаларда кўрсатилаётган хизмат нархлари республика марказларидан арзон экани эътироф этилди. Мутасаддиларга республика марказларидаги хизмат нархларининг адолатлилигини кўриб чиқиш, хусусий клиникада худди шу хизматлар арзон ва сифатли бўлса, тиббий сугурта маблағини уларга тўлаб бериш топширилди. Бундан ташқари, тиббий ускуна, жиҳоз ва тез ёрдам машиналарини олиб кириш бўйича имтиёз 3 йилга узайтирилиши таъкидланди. Замонавий кўп тармоқли клиникаларни ташкил қилиш ва уларни жиҳозлаш учун тадбиркорларга 200 миллион долларлик имтиёзли ресурс ажратилиши белгиланди.

Тиббиёт ва фармацевтика ходимлари бўлган эътибор нафақат судма, балки амалда ҳам ўз ифодасини топаётгани қувонарлидир. Соҳа ходимларининг ижтимоий ва моддий аҳолини яхшилашга қаратилган янги имтиёз ва рағбатлантириш чоралари уларнинг касбий фаолиятидаги масъулият ва самарадорлиқни оширишга хизмат қилади. Хусусий секторнинг соҳадаги

улушининг ошиб бориши эса рақобат муҳитини кучайтириб, хизмат сифати ва самарадорлиқни янада яхшилаш имконини яратлади.

“Адолат” СДП учун соғлиқни сақлаш тизими муҳим тармоқлардан биридир. Сайловонди дастуриимизда ҳам, ғоявий мақсадларимизда ҳам ушбу соҳага эътиборни янада кучайтириш, шифокор ва фармацевтика ходимларини ижтимоий ҳимоя қилиш доимий диққат марказимизда. Зеро, партиямиз электоратининг салмоқли қисми ушбу фидойи касб эгалари ҳиссасига тўғри келмоқда. Қолаверса, партиямиз илгари сурган қатор лойиҳалар ҳам айнан соғлиқни сақлаш тизимига қаратилган бўлиб, соҳа ходимлари билан мустаҳкам ҳамкорлигимиз бор.

Шу боис, давлат сиёсатида тиббиёт ва фармацевтика ходимларига устувор аҳамият бериш ва уларнинг меҳнатини муносиб қадрлаш давом эттириш лозим. Бунда барча даражадаги раҳбарлар ва мутахассислар биргаликда фидойилик ва масъулият билан ишлашлари соҳадаги муаммоларни бартараф этишда муҳим омил бўлади. Янада кучли, самарали ва инсонларга сифатли тиббий хизмат кўрсата оладиган тизимни барпо этиш умумий мақсадимиздир.

Куни кеча Президентимиз иштирокида ўтказилган соғлиқни сақлаш тизими ходимлари билан учрашув тиббиёт ва фармацевтика соҳасида меҳнат қилаётган фидойи шифокорлар меҳнатига юксак эҳтиром рамзи бўлди. Давлатимиз раҳбари шифокорлар, ҳамшира ва фармацевтларимизни самимий табриклаб, байрамни эндиликда “Тиббиёт ва фармацевтика ходимлари куни” номи билан нишонлаш таклифини илгари сурди.

Тоҳир ПОЛВОНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасидаги “Адолат” СДП
фракцияси аъзоси

Шунингдек, соғлиғимиз посбонларига бир қатор имтиёз ва имкониятлар белгилангани барчамизни қувонтирди. Хусусан, замонавий тиббиётни халқимизга янада яқинлаштириш мақсадида 400 дан ортиқ юқори технологияли амалиётлар ҳудудларга етказилиши, тиббиётда “халқ баҳоси” тизими жорий этилиши соҳани янги босқичга олиб чиқишда муҳим аҳамиятга эга.

Бугунги кунда ҳар бир мамлакатнинг ривожланиш салоҳияти, иқтисодий қудрати ёки сиёсий барқарорлиги, аввало, аҳолининг соғлом ва фаол турмуш кечириши билан чамбарчас боғлиқ. Сабаби, соғлом инсон – соғлом жамиятни, соғлом жамият эса барқарор давлатни таъминлайди. Шу нуқтаи назардан қаралганда, тиббиёт ва фармацевтика ходимлари нафақат касб соҳиблари, балки миллат саломатлигининг посбонлари, халқ ишончи ва умидининг тимсоли ҳисобланади.

Муҳаррам ДАДАХЎЖАЕВА,
Ўзбекистон “Адолат” СДП
Тошкент шаҳар кенгаши раиси

Давлатимиз раҳбарининг “Тиббиёт ва фармацевтика ходимларини қўллаб-қувватлаш чоралари тўғрисида”ги қарори ушбу соҳа ва унинг фидойи намоёндаларига давлат даражасидаги юксак эътиборнинг амалий ифодаси бўлди.

Қолаверса, қарор нафақат ижтимоий сиёсат соҳасидаги муҳим қадам, балки инсон қадрини улуғлаш ва меҳнатга муносиб муносабат тамойилларини амалиётга татбиқ этиш йўлидаги янги босқич сифатида ҳам алоҳида аҳамият касб этади.

Жумладан, қарорда давлат тиббиёт муассасалари ходимларини ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш, уларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш ва

самарали меҳнат фаолияти учун муносиб шароитлар яратиш устувор вазифа сифатида белгиланган.

Хусусан, қарорда ижтимоий ҳимояни кучайтириш ва моддий манфаатдорликни ошириш, фидойи ходимларни рағбатлантиришнинг янги механизмларини жорий этиш, ёш ва истиқболли мутахассислар учун касбий ўсиш имкониятларини яратиш ҳамда тиббиёт ходимларининг жамиятдаги нуфузини оширишга алоҳида эътибор қаратилган.

Шунингдек, 2026 йилдан бошлаб тиббиёт ходимларига Тиббиёт ходимлари куни муносабати билан ҳар йили меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам микдо-



рида рағбатлантириш берилиши белгилаб қўйилди. Бу амалиёт соҳадаги меҳнатни қўллаб-қувватлашдаги тизимли ёндашувнинг бошланғич нуктаси бўлди, дейиш мумкин.

Шу билан бирга, “Энг яхши республика шифохонаси раҳбари”, “Энг яхши шифокор”, “Энг яхши туман шифохо-

наси” каби танловлар жорий этилиши ҳам соҳа ходимларини адолатли баҳолаш ва ижтимоий нуфузини оширишнинг самарали йўлидир.

Ҳолибларга 30 миллион сўмдан бошлаб 500 миллион сўмгача бўлган пул мукофотлари белгиланиши, уларнинг давлат мукофотларига тавсия эти-

Мамлакатимизда инсон қадрини улуғлаш, унинг сало-матлиги, фаровонлиги ва муносиб ҳаётини таъминлаш давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида изчил ривожланмоқда. Бу йўналишда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар давлат сиёсатининг инсонпарварлик моҳиятини янада чуқурлаштирмоқда.

Наримон УМАРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги
“Адолат” СДП фракцияси аъзоси

Президент томонидан қабул қилинган “Тиббиёт ва фармацевтика ходимларини қўллаб-қувватлаш чоралари тўғрисида”ги қарор ҳам ана шу изчил сиёсатнинг амалий ифодаси бўлиб, тиббиёт тизимини янгича стратегик асосда ривожлантиришга йўналтирилган муҳим давлат ҳужжати ҳисобланади. Унинг мазмун-моҳияти соҳа ходимлари учун қулай ва муносиб шароит яратиш, уларнинг касбий нуфузини ошириш, меҳнат фаолиятини рағбатлантириш ҳамда аҳоли соғлиғини муҳофаза қилиш тизимини самарали бошқариш имкониятларини кенгайтиради.

Инсон ҳаёти ва саломатлигини асраш йўлида фидокорона меҳнат қилаётган шифокорлар ва фармацевтлар жамиятнинг энг масъулиятли қатлами саналади. Улар соғлом авлодни шакллантириш, ҳаёт сифатини яхшилаш ва аҳолининг ишончини мустаҳкамлашда ҳал қилувчи ўринни эгаллайди. Шу боис давлат сиёсатида соҳа ходимларини нафақат меҳнат фаолиятида, балки ижтимоий муносабатлар тизимида ҳам муносиб қўллаб-қувватлаш масаласи устувор аҳамият касб этмоқда. Қарорда белгиланган чора-тадбирлар айнан шифокор шахсига бўлган муносабатни янгича босқичга кўтаришга, “шифокор – аҳоли саломатлиги посбони” деган шiorга чуқур амалий мазмун бахш этишга хизмат қилади.

Қарорнинг амалий йўналишлари соҳа ходимларини рағбатлантириш ва касбий нуфузини мустаҳкамлашга қаратилган. 2026 йилдан бошлаб давлат тиббиёт муассасаларида фаолият юритувчи ходимларга “Тиббиёт ходимлари куни” муносабати билан махсус моддий рағбат шакллари жорий этилади. Шунингдек, “Энг яхши туман (шаҳар) шифокори”, “Энг яхши оилавий поликлиника” каби номинациялар бўйича республика ва ҳудудлар микёсида танловлар ўтказилиши режалаштирилган. Бу ташаббус соҳа ходимлари ўртасида соғлом рақобат муҳитини шакллантиради, хизмат сифатини оширишга кучли рағбат уйғотади ҳамда тиббиёт тизимининг маънавий муҳитини соғломлаштиради. Шу билан бирга, ғолибларни хорижий таълим ва илмий марказларда малака оширишга йўллаш амалиёти жорий қилиниши соҳага халқаро тажрибаларни татбиқ этиш имконини кенгайтиради.

Ҳужжатнинг муҳим жиҳатларидан яна бири – тиббиёт ходимларининг ижтимоий ҳимоя тизимини тубдан янгиллашдир. Давлат тиббиёт муассасаларида узоқ йиллар меҳнат қилган ходимлар учун уй-жой харидига доир дастлабки тўловнинг бир қисmini давлат ҳисобидан қоплаш механизми жорий этилади. Шу билан бирга, уларнинг фарзандларига олий таълим муассасаларида ўқишда молиявий ёрдам кўрсатиш, контрактнинг маълум қисmini қоплаш тизими назарда тутилган. Бундай имкониятлар тиббиёт ходимларининг касбий барқарорлигини таъминлаш, уларда узоқ муддатли меҳнат мотивациясини мустаҳкамлаш ва соҳага содиқ авлодни шакллантиришга хизмат қилади. Илмий фаолият билан шуғулланувчи шифокорлар учун ҳам янги имкониятлар яратилган – халқаро илмий журналларда мақолалар чоп этиш билан боғлиқ харажатларни давлат ҳисобидан тўлиқ қоплаш амалиёти жорий этилади. Бу мамлакат тиббиётини фан ва инновация билан ўзвий боғлаш сари қўйилган яна бир муҳим қадамдир.

Қарорда белгиланган яна бир муҳим ўзгариш – меҳнат шароити ва дам олиш ҳуқуқига доир янгиландир. 2026 йил 1 апрелдан бошлаб давлат тиббиёт муассасаларида беш кунлик иш ҳафтаси тизимига ўтиш белгиланди. Бу ўзгариш соҳа ходимларининг иш ва шахсий ҳаёт мувозанатини таъминлашга, соғлом иш муҳитини яратишга ҳамда меҳнат самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Таълим ва меҳнат психологияси нуктаи назардан, бундай ёндашув инсон қадрни тамойилининг амалий ифодаси бўлиб, давлат хизматининг барча бўғинларига замонавий бошқарув маданиятини киритади. Шунингдек, узоқ йиллик меҳнат стажига эга ходимларга ҳар йили санаторийларда соғломлашиш имкони яратилиши уларнинг соғлиғини муҳофаза қилишга ва иш унумдорлигини юқори даражада сақлашга замин яратди.

Ушбу қарор ҳаётга татбиқ этилиши натижасида тиббиёт тизимида фан, касб ва давлат сиёсатининг уйғунлиги таъминланади. Илмий тадқиқотларга асосланган янги бошқарув механизмлари, инновацион даволаш усуллари ҳамда профилактика методларининг амалиётга татбиқ этилиши тиббиёт тизимининг институционал салоҳиятини мустаҳкамлайди. Шу билан бирга, соҳа фаолиятида натижага йўналтирилган бошқарув тамойилининг жорий этилиши ҳисобдорлик, шаффофлик ва самарадорлиқни таъминлайди. Бу эса давлат тиббиёт муассасаларининг иқтисодий ва ташкилий барқарорлигини мустаҳкамлаб, жамиятнинг соғлом ривожланишига замин яратди.

Мазкур қарор билан “Адолат” социал-демократик партияси томонидан бу борада илгари сурий келинаётган бир қатор ташаббуслар ўз амалий ифодасини топди десак, адашмаган бўламиз.

Ваҳоланки, “Адолат” социал-демократик партияси учун инсон қадрини, унинг соғлом ва фаровон ҳаёт кечиришини таъминлаш, жамиятда тиббиёт соҳаси ходимларининг мақомини юксалтириш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш бош мақсадлардан биридир.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур қарор шифокорларнинг меҳнатини муносиб қадрлаш, уларни ижтимоий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириш, тиббиёт тизимини самарали ва инсонпарвар йўналишда ривожлантириш йўлидаги муҳим сиёсий-ижтимоий ҳужжатдир. Унинг амалга оширилиши натижасида тиббиёт тизимида инсон саломатлигига муносабатда янги босқич бошланади, шифокор шаъни ва нуфузи жамият онгида янада юксак мавқе касб этади. Қолаверса, бу қарор инсон қадрини эъозлаш сиёсатининг амалий ифодаси бўлиб, шифокорнинг қадрланиши орқали жамият соғлом, давлат эса барқарор бўлишини аниглайди.

лиши, хорижда малака ошириш имкониятига эга бўлиши, бу, шубҳасиз, қадрлар меҳнатини рағбатлантиришдаги муҳим қадам ҳисобланади. Бу каби танловлар ва моддий рағбатлантириш чоралари нафақат рақобат муҳитини кучайтиради, балки тизимдаги кадрлар сифатини ошириш, янги ғоялар ва илгор тажрибаларни татбиқ этишга туртки беради.

Тиббий хизмат узлуксиз жараён эканлигини ҳисобга олган ҳолда, байрам ва дам олиш кунларида навбатчилик тизими жорий этилиши шифокорларнинг иш ва дам олиш режасини мувозанатлаштириб, руҳий соғлом муҳитни таъминлайди. Иш ҳадвалининг меъёре-лаштирилиши, тиббий хизмат курсатувчиларнинг касбий хасталиклардан ҳимоя қилиниши ва иш сифатига икбий таъсир кўрсатиши шубҳасиз.

Дунё амалиётида шундай тажриба бор: шифокорнинг дам олиши беморнинг соғлом қолиши билан бевосита боғлиқ. Президентимиз томонидан айнан шу тамойил амалиётга киритилаётгани инсон манфаатларини олий қадрият сифатида кўриш сиёсатининг яққол ифодасидир.

Қарорда тиббиёт ва фармацевтика ходимларининг илмий изланишларини қўллаб-қувватлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Энди халқаро илмий журналларда мақолалар чоп этиш билан боғлиқ харажатлар

давлат томонидан қоплаб берилди. Бу мутахассислар илмий фаолият билан шуғулланишига қизиқиш уйғотади, миллий тиббиёт илмининг халқаро майдондаги нуфузи ошади. Шунингдек, соҳа етакчилари хориждаги нуфузли таълим ва илмий марказларда ўқитилиши, замонавий менежмент ва тиббий бошқарув дастурларини ўзлаштириши соҳанинг стратегик ривожига хизмат қилади.

Қарор орқали соҳа фидойиларига тақдим этилган яна бир ижтимоий имтиёз бу 15 йил иш стажига эга ходимларнинг фарзандларига олий таълим муассасаларидаги контракт тўловининг 30 фоизи қоплаб берилишидир. Шунингдек, улар учун уй-жой хариди вақтида дастлабки тўловнинг 25 фоизи давлат томонидан қопланади. Санаторийларда бепул дам олиш ва юқори технологик тиббий ёрдамдан бепул фойдаланиш ҳуқуқи берилади.

Қисқача айтганда, мазкур қарор ижроси мамлакатимизда тиббиёт соҳаси нуфузини ошириш билан бирга, инсон саломатлигини ҳимоя қилишни миллий қадрият даражасига кўтаришда муҳим тарихий аҳамият касб этади. Ҳар бир шифокор, ҳар бир ҳамшира ва фармацевт энди ўз меҳнатининг қадрини борлигини, давлат унинг орқасида турганини ҳис этади. Бу эса соғлом миллат, барқарор давлат ва юксак маънавиятли жамият сари олиб борувчи ишончли йўлдир.

Худудлардаги муаммолар ХАЛҚ ВАКИЛЛАРИ ЭЪТИБОРИДА

Аввал хабар берганимиздек, жойларда аҳоли билан очиқ мулоқотни йўлга қўйиш, қонунлар ижросини ўрганиш ва жамиятдаги ислохотларнинг амалдаги натижасини таҳлил қилиш мақсадида Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги “Адолат” СДП фракцияси аъзолари худудларда назорат-таҳлил тадбирларини ўтказган эди. Хусусан, депутатлар Тошкент ва Жиззах вилоятларидаги ижтимоий-сиёсий янгиланишлар ҳолати билан танишиб, фуқароларни қўйнаётган муаммоларни давлат идоралари ва маҳаллий кенгашлар билан ҳамкорликда ҳал этиш бўйича аниқ чора-тадбирларни белгилаб олишди. Бу жараёнда фақат назорат билан чекланиб қолмай, масалаларни ечишда ташаббускорлик кўрсатилди, аҳоли розилигига эришиш йўлида амалий саъй-ҳаракатлар амалга оширилди.



ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ. Дард билан оғриётган инсон учун ҳар дақиқа муҳим. У шифокор қабулхонаси олдидан узун навбатда туришни ҳам, қоғозбозликка тўла жараёнларда овора бўлишни ҳам истамайди. Табиийки, беморнинг ягона хоҳиши — тез, сифатли тиббий ёрдам олишдир. Шу нуқтаи назардан, тиббиёт тизимини рақамлаштириш, хизматларни қулай ва шаффоф шаклда ташкил этиш аҳоли розилигини таъминлашнинг энг муҳим йўналишларидан бирига айланди. Ана шундай замонавий ёндашувнинг амалий натижаларини ўрганиш мақсадида **Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги “Адолат” СДП фракцияси аъзоси Шухрат Якубов** ишчи гуруҳ билан биргаликда Зафаробод туман тиббиёт бирлашмаси фаолиятини таҳлил қилди. Жараённинг асосий мақсади — жойларда аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини баҳолаш, муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича амалий таклифлар ишлаб чиқишдан иборат бўлди.

Ишчи гуруҳ тиббиёт бирлашмасининг бўлимларида бўлиб, шифокорлар, ҳамширалар ҳамда беморлар билан очиқ мулоқот ўтказди. Фуқаролар ўзларига кўрсатилаётган хизматлар ҳақидаги фикр ва таклифларини баён этишди. Ўрганишлар давомида маълум бўлдики, сўнгги йилларда туманда тиббий хизматларни рақамлаштириш бўйича жиддий ишлар амалга оширилган. Тиббий маълумотлар электрон базада жамланган, қабулга ёзилиш ва навбат тизими автоматлаштирилган. Бу орқали беморлар вақтни тежамокда, шифокорлар эса маълумотларни тезкор таҳлил қилиш имконига эга бўлмоқда. “Бўстон” маҳалласи фуқароси Исом Уришовнинг сўзларига кўра, янгиланган тизим аҳоли учун катта энгиллик яратган. У суҳбат давомида илгариги узун навбатлар, қоғозбозликлар эндиликда йўқлиги, ҳаммаси электрон асосда — тез, қулай ва замонавий эканидан мамнунлигини билдирди.

Бироқ таҳлил жараёнида айрим муаммолар ҳам аниқланди. Хусусан, травматолог, педиатр ва терапевт каби йўналишларда малакали шифокорлар етишмаётгани маълум бўлди. Бу эса аҳолига

айрим хизматларни тўлиқ кўрсатишда қийинчилик туғдираётганини кўрсатди. Депутат Шухрат Якубов бу борада кадрлар тайёрлашни кучайтириш, ёш шифокорларни жойларга жалб этиш, улар учун турар жой ва рағбатлантириш тизимини йўлга қўйиш зарурлигини таъкидлади. Шунингдек, тиббиёт соҳасида хизмат сифатини ошириш ва аҳоли розилигини таъминлаш бўйича қатор тавсиялар берди. Ўрганишлар нафақат соҳа тизимидаги ишлаш механизмларини таҳлил этиш, балки одамлар ҳаётига таъсир кўрсатаётган ислохотлар самарасини кўз билан кўриш имконини ҳам берди. Ишчи гуруҳнинг навбатдаги манзили — “Chelebi” қўшма корхонаси бўлди.



2022 йилда фаолиятини бошлаган мазкур корхонада бугунги кунда 150 дан ортиқ аёллар меҳнат қилмоқда, улар орасида ногиронлиги бўлган фуқаролар ҳам бор. Бу эса тадбиркорлик фаолияти орқали иқтисодий масъулиятни амалга оширишнинг ёрқин намунаси ҳисобланади. Корхонадаги шароитлар, ишлаб чиқариш жараёни

билан танишар экан, депутат ходимлар билан суҳбатда уларнинг таклиф ва муаммоларини тинглади.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ. Аҳоли ўз худудига депутат ёки давлат хизматчиси келганини эшитса, кўпинча бу учрашувдан нимани кутмоқ кераклигини ўйлай бошлайди. Чунки бундай ташрифлар одамлар учун оддий расмий маърузадан кўра кўпроқ ўз фикрини айтиш, муаммосига ечим излаш имконидир. Агар масъуллар халқ ичига кириб, юзма-юз суҳбатлашса, фикр ва таклифларга эътибор берса, ўртадаги ишонч мустаҳкамланади, фуқаролар ўз сўзининг қиймати борлигини ҳис этади. **Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги “Адолат” СДП фракцияси аъзоси Наримон Умаров**нинг Куйи Чирчиқ туманидаги ўрганишлари ҳам айнан шундай мазмунда ўтди. Депутат раҳбарлигидаги ишчи гуруҳ томонидан худуддаги иқтисодий-иқтисодий ҳолат, фуқароларни қўйнаётган долзарб масалалар атрофидаги ўрганилди. Учрашувларда туман ҳокимлиги, мутасадди идоралар ва маҳалла фаоллари иштирок этди.

Мулоқотларда инвестиция дастурларининг ижроси, ёшлар бандлигини таъминлаш, камбағалликни қисқартириш, аҳоли фаоллигини ошириш каби масалалар муҳокама қилинди. Шу билан бирга, тадбиркорликни ривожлантириш, коррупциянинг олдини олиш, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш йўналишларига алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, Наримон Умаров “Гул” ва “Хўжа” маҳаллаларида “маҳалла етилиги” билан ташкил этилган мулоқотда мамлакатимизда коррупциядан холи муҳит яратишга қаратилган ислохотлар мазмунини таҳлил қилинди. Иллатларга муросасиз муносабатни кучайтириш, аҳоли ўртасида профилактик тадбирларни самарали ташкил этиш бўйича аниқ вазифалар белгилаб олинди.

“Хўжа” маҳалласида тадбиркорлик ва деҳқончилик фаол ривожланган, аҳоли асосан қишлоқ хўжалиги ва балиқчилик билан шуғулланади. Наримон Умаров маҳалладаги 26-сонли умумий ўрта таълим мактабида бўлиб, яқинда фойдаланишга топширилган спорт зали фаолияти билан танишди. Маҳалла фаоллари билан бўлган суҳбатда маъмурий тўсиқлар, коррупцияга имкон берувчи ҳолатлар, тўй ва маросимларда ортиқча



исрофгарчилиكنинг олдини олиш, ҳалол меҳнат ва шукроналик маданиятини қарор топтириш масалалари эътибор марказида бўлди.

Вилоят кенгашлари матбуот хизмати хабарлари асосида Илҳомжон АБДУСАЛОМОВ тайёрлади

Фракция йиғилиши

НАЗОРАТ МЕХАНИЗМЛАРИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛАДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги “Адолат” СДП фракцияси йиғилишида **жазони ўташ муддатидан илгари шартли озод қилинган шахслар устидан назорат қилиш механизмларини такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси** муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, пробация институти жазони ўтаб чиққан ёки жазони ўташ муддатидан илгари шартли озод қилинган шахсларнинг ҳуқуқи устидан самарали назорат ўрнатиш орқали уларни қайта тарбиялаш, жамият соғлом ҳаётга қайтиши учун шароит яратиш, қайта жиноят содир этилишининг олдини олишда самарали восита бўлиб хизмат қилмоқда.

Ушбу қонун лойиҳаси ҳам айнан жазони ўташдан шартли озод қилинган шахслар устидан самарали пробация назоратини ташкил қилишни такомиллаштиришга қаратилган.

Лойиҳа билан Жиноят кодексининг 73-моддасига шартли озод қилинган шахсларга белгиланган вақтларда назорат қилувчи органларда рўйхатдан ўтиб туриш мажбуриятини юклаш на-



зарда тўтилмоқда. Бу, ўз навбатида, жазодан шартли озод этилган шахслар устидан тизимли ва самарали назорат ўрнатиш имконини яратди.

Мунозаралар давомида фракция аъзоси Зухриддин Мавлонов қонун лойиҳасининг аҳамиятига тўхталиб, унда назарда тутилётган айрим нор-

малар юзасидан ўз фикр-мулоҳазалари, таклиф ва тавсияларини билдирди.

Фракция аъзолари ушбу қонун лойиҳаси қабул қилиниши жазони ўташдан шартли равишда озод қилинган шахслар устидан назоратни амалга ошириш механизмларини

мустаҳкамлаш, қонун нормаларининг тўлиқ ижро этилишини таъминлашга хизмат қилишини эътиборга олиб, уни қўллаб-қувватладилар.

Йиғилишда кун тартибидagi бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

“Adolat” шарҳи

МАСЛАҲАТ УЧРАШУВЛАРИ —

минтақавий ҳамкорликнинг самарали механизми

15-16 ноябрь кунлари Тошкентда Марказий Осиё давлат раҳбарларининг Еттинчи маслаҳат учрашуви бўлиб ўтади

Қодир ЖЎРАЕВ,
сиёсий фанлар доктори, профессор

Эътироф этиш лозимки, сўнгги 7-8 йил ичида Ўзбекистон етакчисининг қатъий саъй-ҳаракатлари туфайли илгари анча тарқоқ ва ўта зиддиятли ички муносабатларда бўлган Марказий Осиё давлатлари халқаро майдонда яхлит бир жуғрофий-сиёсий макон сифатида гавдалана бошлади.

Бунда минтақа мамлакатларини бирлаштириб турган ўта муҳим минтақавий консултатив орган — Марказий Осиё давлат раҳбарлари маслаҳат учрашувларининг ҳам бекиёс ҳиссаси бор, албатта. Зеро, минтақа етакчиларининг ўзаро доимий ва тизимли мулоқоти туфайли минтақада мисли кўрилмаган даражада яқинлик, иноқлик ва ҳамжихатлик кузатилмоқда. Президентларнинг бир-бири билан дўстона мулоқоти, ўз навбатида, минтақа халқларининг ҳам ўзаро яқинлашувига ва жипслашувига муҳим замин бўлиб хизмат қилмоқда.

Таъкидлаш жоиз, Марказий Осиё минтақавий мулоқот механизмининг йўлга қўйиш гоёси Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан 2017 йил сентябрь ойида БМТ Бош ассамблеясининг 72-сессиясида илгари сурилган эди. Айнан шу ташаббус асосида 2018 йилдан бери Марказий Осиё давлат раҳбарларининг маслаҳат учрашувлари мунтазам равишда ўтказиб келмонмоқдаки, уларда минтақавий хавфсизлик ва барқарор тараққиётнинг турли йўналишлари биргаликда ҳал қилинмоқда.

Бунинг натижасида минтақамизда жуда ижобий, конструктив муҳит шаклланоқда. Бу эса, ўз навбатида, минтақанинг инвестициявий жозибадорлиги ошишига ва ички савдо ҳажмларининг жадал ўсишига хизмат қилмоқда.

Маслаҳат учрашувларининг яна бир аҳамиятли жиҳати шундаки, улар минтақавий алоқаларни янги bosқичга олиб чиқиш ва энг долзарб масалалар бўйича атрофлича фикр алмашиш, 5 та қардош мамлакатнинг минтақавий ва глобал масалалар юзасидан ўзаро уйғун позиция ва ёндашувларини ишлаб чиқиш имконини бермоқда.

Илк маслаҳат учрашуви 2018 йил март ойида Остона шаҳрида ўтказилди. Унинг доирасида уюштирилган мулоқотнинг ўзига хос хусусияти шунда эдики, давлат раҳбарлари томонидан минтақада мавжуд муаммоларни бартараф этиш, ташқи кучлар аралашувисиз тараққиётга эришиш, шунингдек, Марказий Осиёда барқарорлик ва хавфсизликка нисбатан юзага келаётган хавф-хатарларга муносиб жавоб бериш учун жипслашиш зарурлиги тўғрисида яқдил фикр илгари сурилди. Музокаралар якунида маслаҳат учрашувларини мунтазам равишда ўтказишга келишиб олинди.

Иккинчи маслаҳат учрашуви 2019 йил ноябрда Тошкент шаҳрида ташкил этилди. Самарали учрашув ва мулоқотлар давомида беш давлат етакчилари Марказий Осиёда кўп томонлама ҳамкорлик форматига нисбатан ягона ёндашув ишлаб чиқиш, тузилма фаолиятини умумий хусусиятга эга масалаларни ҳал этиш учун долзарб кун тартиби билан тўлдиришга жиддий эътибор қаратди. Сиёсат ва хавфсизлик, савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникациявий, энергетика ва сув каби масалаларда яқин ва изчил ҳамкорликда иш олиб боришга қаратилган қатор долзарб ташаббуслар илгари сурилди.

Бундан ташқари, беш давлат раҳбарлари томонидан энергетика соҳасида ҳамкорликни кенгайтириш зарурлиги таъкидланди, бу борада минтақада ягона инфра-тузилма яратиш ва бошқа самарали лойиҳаларни амалга ошириш учун истиқболда кўплаб қўшма лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш лозимлиги қайд этилди. Саммит якуни бўйича Қўшма баёнот қабул қилинди ҳамда маслаҳат учрашувларига тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш регламенти маъқулланди. Умуман, иккинчи маслаҳат учрашуви барча мамлакатлар манфаатларининг ўзаро муштараклиги, уларнинг минтақавий тараққиётнинг энг долзарб масалалари бўйича очиқ мулоқот ва биргаликда қарорлар қабул қилишга тайёр эканини яна бир бор тасдиқлади.

Томонлар барча мамлакатлар худудлари даражасида фаол алмашинув ва алоқаларни қўллаб-қувватлаш, шунингдек, илм-фан, таълим, туризм, маданият ва спорт йўналишларида мунтазам равишда биргаликда тадбирлар ўтказишга келишиб олинди. Тошкент саммити якунида маслаҳат учрашувларининг илк ҳуқуқий ҳужжати — Қўшма баёнот қабул қилинди ҳамда маслаҳат учрашувларига тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш регламенти маъқулланди.

Учинчи маслаҳат учрашуви 2021 йилнинг августда Туркменистондаги “Аваза” миллий сайёҳлик зонасида бўлиб ўтди. Унда давлат раҳбарлари умумиминтақавий бозор ташкил этиш ва инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш, ягона энергетика майдонини шакллантириш ва Марказий Осиё давлатлари иқлим ўзгаришига мослашишни таъминлашга қаратилган “яшил энергетика”ни жорий этиш масалаларини муҳокама қилди. Саммит доирасида олий даражадаги учрашув билан бирга, иқтисодий форум, миллий маҳсулотлар кўргазмаси, Марказий Осиё етакчи аёллари мулоқоти йиғилиши, миллий таомлар фестивали ва минтақа мамлакатлари санъат усталарининг гала-концерти каби қатор тадбирлар ҳам ўтказилди.

Тўртинчи маслаҳат учрашуви 2022 йил июлида Қирғизистоннинг Чўлпон ота шаҳрида бўлиб ўтди. Ушбу учрашув мамлакатларимиз томонидан йўлга қўйилган ҳамкорликнинг ўсиб боришига қўшимча суръат бахш этди. Анжуман давомида беш мамлакат етакчилари кун тартибидagi долзарб масалаларни муҳокама қилди, ҳамкорликнинг истиқболли йўналишларини кўриб чиқди, минтақавий ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлаш ва кўп томонлама шерикликни кенгайтиришга қаратилган устувор вазифаларни белгилаб олди.

Бешинчи маслаҳат учрашуви 2023 йил 14 сентябрда Тожикистон пойтахти Душанбе шаҳрида бўлиб ўтди. Марказий Осиё давлатлари етакчиларидан ташқари Озарбайжон Президенти Илҳом Алиев ҳам фахрий меҳмон сифатида иштирок этган мазкур саммитда минтақада кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтириш: сиёсий мулоқотни ривожлантириш, савдо, сармоя, транспорт, энергетика, қишлоқ хўжалиги ва экология соҳаларида қўшма дастур ва лойиҳаларни илгари суриш, маданий-гуманитар алмашинувни фаоллаштириш, шунингдек, замонавий чакриқлар ва хавфсизлик таҳдидларига жавоб бериш масалалари муҳокама қилинди.

Маслаҳат учрашуви якунлари бўйича Марказий Осиё давлат раҳбарларининг қўшма баёноти, ёшларга оид сиёсатнинг умумий йўналишлари бўйича келишув, Марказий Осиёда ерусти транспортнинг ўзаро боғлиқлигини мустаҳкамлаш тўғрисида битим имзоланди.

Олтинчи маслаҳат учрашуви 2024 йилнинг 9 август кунини Қозоғистон пойтахти — Остона шаҳрида бўлиб ўтди. Мазкур учрашувда ҳам Марказий Осиё етакчиларидан ташқари Озарбайжон Президенти Илҳом Алиев ва БМТнинг Марказий Осиё учун превентив дипломатия бўйича минтақавий маркази раҳбари Каха Имнадзе қатнашди.

Остона саммитида минтақада кўп қиррали ҳамкорликни янада кенгайтириш, жумладан, сиёсий мулоқотни ривожлантириш, савдо, инвестициялар, транспорт, энергетика, қишлоқ хўжалиги ва экология соҳаларида қўшма дастур ва лойиҳаларни илгари суриш, маданий-гуманитар алмашинувни фаоллаштириш, шунингдек, замонавий таҳдид ва хатарларга қарши чора кўриш масалалари муҳокама қилинди.

Еттинчи маслаҳат учрашуви жорий ҳафтада, яъни 15-16 ноябрь кунлари Тошкент шаҳрида Ўзбекистон раислигида бўлиб ўтиши режалаштирилган. Ҳозирда унга жиддий тайёргарлик қўрилмоқда. Мазкур саммит Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги алоқалар ривожига яна бир улкан амалий қадам бўлиши, илгари қабул қилинган қарорларни сарҳисоб қилиш ва янги-янги лойиҳаларни илгари суриш учун қулай платформа вазифасини ўташи кутилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон етакчисининг гоёси асосида йўлга қўйилган маслаҳат учрашувлари минтақанинг 80 миллиондан зиёд халқлари тақдирига дахлдор бўлган ўта муҳим ташаббус ва лойиҳаларни биргаликда амалга ошириш имконини бермоқда. Тошкентда бўлиб ўтиши қутилаётган Еттинчи маслаҳат учрашуви ҳам, ҳеч шубҳасиз, бўлажак Марказий Осиёда яхши қўшничилик ва узоқ муддатли стратегик муносабатларни янада ривожлантиришга катта ҳисса қўшади.



Илмий-амалий конференция

УСТОЗГА ЭҲТИРОМ

Миллий суд-ҳуқуқ соҳаси вакиллари орасида юридик фанлар доктори, профессор Ҳожимурод Одилқориев (суратда: чапдан иккинчи) номини кўпчилиқ яхши билади. Тажрибали ҳуқуқшунос, самарали илмий изланишлар муаллифи сифатида у мамлакатимизда давлат ва ҳуқуқ назарияси тараққиётига улкан ҳисса қўшган. Айни пайтда олимнинг илмий мероси, педагогик фаолияти ва адолатли жамият ғояларига бўлган садоқати шогирдлар ва ҳамкасблари учун муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Феруза МУҲИДДИНОВА,
Тошкент давлат юридик университети профессори

Тошкент давлат юридик университетида Ҳожимурод Одилқориевнинг 70 ёшлигига бағишланган “Ўзбекистонда давлат ва ҳуқуқ тараққиёти: янги ёндашувлар ва тенденциялар” мавзусидаги халқаро

бошқаруви академияси, қатор давлат ташкилотлари вакиллари, шунингдек, Россия, Қирғизистон, Жанубий Корея ва бошқа мамлакатлардан нуфузли олимлар таклиф этилди.

Конференция доирасида давлат ва ҳуқуқ тизимининг замонавий ривожланиш тенденциялари, илғор хорижий тажриба ҳамда миллий қонунчиликни такомиллаштириш масалалари муҳокама қилинди. Шунингдек, Ҳожимурод Одилқориевнинг соҳа назариясидаги тадқиқотлари, ёш кадрларни тайёрлашдаги хизматлари ҳақида атрофлича фикр билдирилди.

Таъкидлаш лозим, университетимиз устоз асос солган илмий анъаналарни изчил давом эттирмоқда. Хусусан, таълим жараёнида кейс таҳлил, ҳуқуқий баҳс ва интерактив ўқитиш усуллари кенг қўлланилмоқда. Бу эса талабаларда мустақил фикрлаш, таҳлил қилиш ва ижодий ёндашув кўникмаларини ривожлантиряпти.

Халқаро ҳамкорлик йўналишида ҳам кафедрамиз фаол. Октябр ойида “Янги Ўзбекистон ва жаҳон: халқаро ҳуқуқий ҳамкорлик ва ислохотлар” мавзусидаги давра суҳбати ўтказиб, БМТ ва Туркий давлатлар ташкилоти доирасидаги ташаббусларни муҳокама қилдик. Шунингдек, “Ҳуқуқ ва маърифат дарслари” доирасида Конституция, қонун устуворлиги ва фуқаролик масъулиятига бағишланган очиқ мулоқотлар ташкил этиб бораёмиз.

Тадбир давомида олий таълим муассасаси раҳбарияти ва ҳамкасблар Ҳожимурод Одилқориев шахсиятидаги фидойилик, масъулият ва меҳнатсеварликини алоҳида таъкидлаб ўтдилар. Шу билан бирга, “Янги Ўзбекистон” концепцияси илмий асосларидан ислохотларнинг ҳуқуқий асослари, давлат бошқаруви демократлаштириш, инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг замонавий механизмлари, суд-ҳуқуқ тизимида рақамли технологияларни жорий этиш масалалари бўйича фойдали маърузалар тингланди.

Лукма

Оилавий поликлиника:



ДЕВОРЛАР ЁРИҚ,
ВАЪДАЛАР ҚУРУҚ

Муаммони ким ҳал қилади?

Янги Наманган туманидаги “Атанган гузар” маҳалласи аҳолиси бир неча йиллардан бери ечим кутаётган муаммолар оғушида яшамоқда. Шундай бўлса-да, бу масалаларга жиддий эътибор қаратиш ҳали ҳам кечикаётган эди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, “Адолат” СДП фракцияси аъзоси Дилмурод Исмоилов нуронийлар мурожаати бўйича ушбу маҳаллага келиб, улар билан учрашди. Суҳбат давомида оилавий поликлиника биноси, йўл ҳолати, ичимлик суви таъминоти каби масалалар кўтарилди.

Маълум бўлишича, маҳалладаги 7-Оилавий поликлиника 2009 йилда фойдаланишга топширилган бўлиб, бугунга келиб 17 минг аҳолига хизмат кўрсатади. Еттигача патронаж бригада фаолият юритади, тўрт маҳалла қамраб олинган. Аммо, афсуски, тиббий хизмат учун йўлжалланган бинонинг техник ҳолати издан чиққан.

Поликлиника сизот сувли ариқ устига қурилгани боис, йиллар давомида ернинг чўкиши сабабли деворлар ёрилиб, хоналар қисман оғиш ҳолатига келган. Ҳатто айрим хонада фаолият юритиш хавфли деб топилган.

Ичимлик суви муаммоси эса аҳволни янада оғирлаштирган: тиббиёт ходимлари ҳар куни сувни яқин атрофдаги хонадонлардан ташиб келишга мажбур. Энг ачинарлиси, маҳалла нуронийлари ушбу му-

аммолар ҳақида 2012 йилдан буён мурожаат қилиб келаётган бўлсалар-да, ечим топилмаган. Ҳар йил “масала ҳал этилади” деган ваъдалар берилган, аммо натижадан дарак йўқ.

Депутат Дилмурод Исмоилов аввалги таширидан сўнг тегишли мутасаддилар ҳаракати билан канал устидаги ночор аҳволдаги кўприк янгиланган. Лекин канал ёқасидаги йўл торлиги туфайли аҳоли ва транспорт қатновига жиддий ноқулайлик туғдириб келмоқда.

Бу сафар ҳам депутат маҳалладаги муаммоларни ўрганиб, мутасаддиларга аниқ тавсиялар берди. Аммо эндиликда масала фақат депутат ташаббуси билан эмас, масъул идораларнинг виждонли муносабати билан ҳал бўлиши шарт. Агар халқ мурожаати йиллар давомида эшитилмаган бўлса, демак, масъулият тушунчаси ҳам қоғозда қолган. Ҳар бир мурожаат ортида болалар саломатлиги, кексалар хавфсизлиги, оналар ҳаёти турганини унутмаслик керак.

Халқ сўзини эшитиш — хизмат эмас, бурч. Масъулиятни ҳис қилиш эса — инсонийлик синови.

Наманган вилоят кенгаши матбуот хизмати

Озодлик,
куч-қудрат,
жасорат,
ғалаба
рамзи

Давлатчилигимиз тарихининг қайси даврини олмайлик, байроқ аждодларимиз учун озодлик, куч-қудрат, жасорат, ғалаба рамзи бўлган.

Давлатимиз байроғи қабул қилинганнинг 34 йиллиги олдида жойларда ўтказилаётган тадбирлар юртдошларимизнинг давлат рамзларига бўлган ҳурмати ва эътиборини ўзида ифода этмоқда. Андижонда ўтказилган ана шундай байрамолди тадбири фуқароларнинг фаоллиги остида ўтди.

“Бир байроқ остида” шиори остидаги тадбир қатнашчилари Хонобод шахрига кириб борганда кўчалар байрамона қиёфага кирди. Хилпираб кўзга ташланган давлатимиз рамзига қараган жамоатчилик вакиллари қалбида байроғимизга ҳурмат туйғуси жўш урди. Унинг тимсолида мустақиллигимиз, миллий давлатчилигимиз ва янги Ўзбекистон гавдаланди.

– Бугунги тадбирда Андижон давлат тиббиёт институти профессор-ўқитувчилари ва талабалари бўлган “адолатчилар” ҳам фаол иштирок этди, – дейди “Адолат” СДП Андижон шахар кенгаши раиси Илҳомжон Абдулазизов. – Бу шунчаки юриш бўлмади. Айниқса, “Ёш адолатчилар”нинг кўзларидаги қувонч, эртанги кунга бўлган ишонч туйғусини кўриб ҳавасингиз келади. Кўз олдимизда мустақил Ўзбекистон, эришяётган ютуқларимиз гавдаланди.

Ҳа, давлат байроғи миллатнинг бирлиги, мустақиллиги тимсоли сифатида халқнинг орзу-истакларини, умидларини, келажакка бўлган ишончини ўзида ифода этади. Она юртини севувчи андижонликлар бир байроқ атрофида бирлашдилар.

Андижон вилоят кенгаши матбуот хизмати

ЙЎЛ ҚУРГАН
МУРОДИГА
ЕТАДИ

Автомобиль йўллари — мамлакатнинг иқтисодий ўсиши, минтақаларни боғлаш, логистика самарадорлигини ошириш ва аҳолининг турмуш даражасини юксалтиришда муҳим инфратузилма бўлиб хизмат қилади. Ўзбекистонда бу йўналишда янгиланишлар ва кенг кўламли лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Ориф ХОЛИҚУЛОВ,
“Adolat” мухбири



Статистик маълумотларга кўра, 2025 йилнинг ўтган ойлари давомида соҳага қарийб 26 триллион сўмлик маблағ ажратилиб, 40 000 километр йўл ва 540 та кўприк таъмирланган. Бу кўрсаткичлар инвестиция ҳажми ва жорий таъмирлаш ишлари кенгайиб бораётганлигидан далolat беради.

“Самарқанд минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати” давлат муассасаси жамоаси ҳам жараёнга ижобий ҳисса қўшиб келмоқда.

– Сифатли йўл тармоғини яратиш асосий вазифамиз, – дейди муассаса директори Азиз Ражабов. – Фаолиятимизда назорат тизимлари, лойиҳа-ишро жараёнлари пухта амалга оширилмоқда.

Самарқанд вилоятида жорий йилда 297 та объектда 710,8 километр йўл, 13 та кўприкни қуриш-таъмирлаш ишлари муваффақиятли амалга оширилди. Инвестиция дастури доирасида шахар кўчаларига 4 та объект учун 143,1 миллиард сўм маблағ ажратилиб, 4,6 километр йўл қуриш ишлари бажарилди. Эркин иқтисодий зоналар йўлларини қуриш учун жами 4 та объектда, шунингдек, Булунгур туманини комплекс ривожлантириш дастури доирасида ички йўлларни таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда.

“Ташаббусли бюджет” жорий йил дастури доирасида жами 118 та объект учун 175,0 миллиард сўм маблағлар ажратилиб, асфальт-бетон қопламалари ётқизилиб, фойдаланишга топширилди.

Йўлсозлик савобли ва машаққатли касблардан бири. Бу соҳа вакиллари яна халқимиз ҳамиша олқишлайди. Улар меҳнати чиндан ҳам эъзозга муносиб.

Худудлардан хабарлар



ИНФРАТУЗИЛМАДА
КАМЧИЛИКЛАР
БАРТАРАФ
ЭТИЛАДИ

Аҳолининг депутатлик институтига бўлган ишончини мустақамлашнинг самарали йўли — уларнинг фикр ва ташкилларини тинглаш, муаммоларини тизимли равишда ҳал этишга масъул идора ва ташкилотлар билан ҳамкорликда иш юритиш. Бу борада халқ депутатлари Пешку тумани Кенгаши депутати Раъно Жалоловани ташаббуси муҳим аҳамият касб этди. Ҳа шундаки, жорий йил сентябрь ойида депутат томонидан туман ИИБ ЙҲХБ бошлиғига депутатлик сўрови йўлланган эди.

Моҳигул РАҲИМҚУЛОВА,
Бухоро вилоят кенгаши матбуот котиби

Унда “Чиборони” маҳалласи ҳудудида Дегдовон қишлоғидан Чалмагадай қишлоғига олиб борувчи чорраҳада пиёдалар ўтиш жойи(зебра чизиги)ни ташкил этиш, Чалмагадай қишлоғидаги 43-сонли мактабга таълим муассасаси олдида хавфсиз бўрилиш учун пиёдалар йўлагини қуриш, 12-сонли умумтаълим мактабига олиб борувчи йўлда пиёдалар ўтиш чизигини қизиш таклифлари ўрин олганди.

– Бугун депутатлик фаолияти фақат сессияларда иштирок этиш ёки ҳисобот бериш билан чекланиб қолмаслиги керак, – дейди у. – Халқнинг ишончини амалда оқлаш, ҳар бир мурожаат ортида инсон тақдири ва жамият манфаати турганини англашимиз лозим. Йўлдаги муаммоларни ҳал этишда масъул идораларга юзландик. Сўровимизни безътибор қолдирмагани учун туман ҳокими ва йўллардан фойдаланиш қорхонасидан миннатдоримиз.

Аҳамиятлиси, сўров асосида айни пайтда тегишли ишлар бошлаб юборилган. Бу ишлар нафақат йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, балки ўқувчи ёшлар, болалар ва аҳоли учун қулай, хавфсиз муҳит яратишга қаратилган муҳим қадамдир.



Аёллар тенглиги – бу фақат ижтимоий ёки ҳуқуқий масала эмас, балки давлат сиёсатининг стратегик тамойилидир. Демократик жамиятда аёлларнинг сиёсий фаоллиги, қарор қабул қилиш жараёнларидаги иштироки ва иқтисодий мустақиллиги давлатнинг ривожланиш салоҳиятини белгилайди.



**Гулруҳ АГЗАМОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги
“Адолат” СДП фракцияси аъзоси**

Мамлакатимизда сўнгги йилларда амалга оширилаётган ислохотлар аёллар ҳуқуқ ва имкониятларини таъминлашни миллий сиёсат даражасига олиб чиқди. Бу жараён нафақат ички сиёсий барқарорлиқни мустаҳкамламоқда, балки мамлакатнинг халқаро майдондаги нуфузини ҳам оширмоқда. Зеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, “Аёлларга бўлган эътибор – жамиятнинг маънавий даражасини белгилайди”.

Шу асосда, гендер сиёсатини амалда таъминлаш учун институционал тизим яратилди. Гендер тенглик бўйича комиссия, “Аёллар дафтари” тизими, “Аёллар тadbirkorлигини қўллаб-қувватлаш жамғармаси” каби механизмлар давлат сиёсатининг муҳим бўлинига айланди.

Бу тизимнинг амалий натижалари – аёлларнинг сиёсий фаоллиги ошиши, ишбилармонлик ва раҳбарлик лавозимларидаги иштирокнинг кенгайиши билан ифодаланмоқда.

Сиёсий жараёнларда аёллар иштироки ҳам демократиянинг чуқурлашувини белгилайдиган асосий кўрсаткичлардан биридир.

Мисол учун, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида аёл депутатлар улушининг 32 фоизга етгани мамлакат сиёсий тизимида гендер мувозанат шаклланаётганини кўрсатади. Бу нафақат рақам, балки сиёсий фикрнинг хилма-хиллигини, қарор қабул қили

лишда аёллар нуктаи назарининг инобатга олинишини аңлатмоқда.

Маҳаллий даражада ҳам “Аёллар етакчилиги мактаби” каби дастурлар орқали келгуси авлод сиёсий фаол хотин-қизларини тайёрлаш жараёни бошланган. Давлат томонидан жорий этилган имтиёзли кредитлар, субсидиялар ва грантлар орқали минглаб опа-сингилларимиз ўз тadbirkorлиги фаолиятини йўлга қўймоқда. Бу, ўз навбатида, аёлларни ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг мустақил, қатъий ва фаол иштирокчисига айлантирмоқда.

Гендер тенглик сиёсати натижасида жамиятда “Аёллар ижтимоий заиф гуруҳ эмас, балки ривожланиш драйверидир” деган янги сиёсий тафаккур шаклланимоқда.

2023 йилги БМТ ҳисоботларида Ўзбекистон гендер тенгликни таъминлаш бўйича илгарилаб бораётган мамлакатлар қаторида тилга олинган. Бу кўрсаткич мамлакат ташқи сиёсатида ҳам муҳим сиёсий капитал вазифасини бажараяпти, чунки гендер тенглик халқаро ҳамкорликда ишонч ва очқилик мезони сифатида қабул қилинади.

Самарқанд шаҳрида UNESCO Бош конференцияси 43-сессияси доирасида бўлиб ўтган UNESCO ҳамда Оила ва хотин-қизлар кўмитаси ҳамкорлигидаги “Кўп томонлама ҳамкорлик орқали гендер тенглигини ривожлантириш” мавзусидаги махсус сайд-ивент бунинг аққол исботи бўлди.

Мазкур форум дунё миқёсида ва UNESCO мандатида қирувчи йўналишларда – таълим, фан, маданият, коммуникация ва ахборот соҳаларида гендер тенглигини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ташаббусларни муҳокама қилиш ва оммалаштиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Унда UNESCO Бош директори, 50 дан ортиқ халқаро меҳмонлар, Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, вазирлик ва идора раҳбарлари, халқаро ва маҳаллий ОАВ вакиллари иштирок этди.

Таъкидланганидек, гендер тенгликка эришиш – бу иқтисодий ўсишнинг янги драйверидир. Бу инсон салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш ва уни жамият манфаатига йўналтириш имконини беради. Шунинг учун ҳам мазкур мавзу нафақат долзарб, балки стратегик аҳамиятга эга ҳисобланади.

Давлатимиз раҳбари ҳам UNESCO Бош конференцияси 43-сессиясида хотин-қизларнинг етакчилиги салоҳияти ва компетенциясини таъминлаш учун глобал дастурларни фаол ишга тушириш, аъзо давлатлар тажрибасини ўрганиш мақсадида UNESCO академиясини ташкил қилиш, шунингдек, Самарқандда хотин-қизларнинг таълим, маданият ва фан соҳасидаги глобал форумини ўтказиш ташаббусини илгари сурди. Шундан келиб чиқиб, хотин-қизларнинг мамлакат ҳаётидаги фаоллигини оширишга қаратилган “Миллий дастур” – аёлларнинг таълим, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий соҳалардаги имкониятларини кенгайтиришга хизмат қилади, деб бемалол айта оламиз.

“Кўп томонлама ҳамкорлик орқали гендер тенглигини ривожлантириш” мавзусида ўтказилган тadbirkor UNESCO ва Ўзбекистон ҳамкорлигида ташкил этилиб, миллий даражада қабул қилинган стратегик ёндашувлар, жумладан, “Ўзбекистон – 2030” стратегиясида белгиланган устувор вазифаларни амалий қадамлар билан уйғунлаштиришни мақсад қилади.

Мазкур стратегияда аёлларни маданият, санъат, рақамли технологиялар, саноат ва ахборот соҳасида қўллаб-қувватлаш, уларнинг лидерлиги салоҳиятини очиб ва касбий ўсиши учун кенг имкониятлар яратиш аниқ вазифа сифатида белгиланган.

Тadbirkorнинг асосий мақсади – гендер тенглигини илгари суриш йўлида самарали механизмларни очиб ва инклюзив муҳокама қилиш, амалий тажриба ва илғор амалиётларни ўзаро ўртоқлашиш, шунингдек, келгусидаги қўшма ташаббуслар учун янги ҳамкорлик форматларини белгиладан иборат бўлди. Унда гендер тенг

лиги ҳамда барча аёл-қизларнинг ҳуқуқлари ва имкониятларини кенгайтириш барқарор ривожланишнинг узвий ва ажралмас таркибий қисми экани таъкидланди. Шу билан бирга, мазкур йўналишдаги ҳаракатлар “Ҳеч кимни ортда қолдирмаслик” тамойилини амалга оширишда ҳал қилувчи аҳамият касб этиши яна бир бор эътироф этилди.

Шунингдек, хотин-қизларнинг етакчилиги қобилиятларини рағбатлантириш, таълим, илм-фан ва технология соҳаларида тенг имкониятлар яратиш ҳамда аҳолининг барча қатламлари учун инклюзив ривожланиш муҳитини таъминлаш каби устувор вазифаларга алоҳида урғу берилди.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатда аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ва иқтисодий мустақиллигини қучайтириш миллий тараққиётнинг асосий йўналиши сифатида қаралади. Ушбу ёндашув бугунги кунда мамлакатнинг миллий модернизация дастурлари, жумладан, рақамли иқтисодиётни ривожлантириш, инсон салоҳиятини ошириш ҳамда ижтимоий адолатни таъминлаш борасидаги давлат сиёсатининг ажралмас қисмига айланган.

Ўзбекистон Республикаси UNESCO-нинг фаол ва ишончли аъзоси сифатида гендер тенглигини таъминлаш, хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳаётнинг барча жаҳонларида илгари суриш ҳамда уларнинг тўлақонли иштироки учун қулай шароит яратиш йўлида аниқ позицияни эгаллаб келмоқда.

Бу эса дунё ҳамжамиятида ташаббускор, халқчил ғоялар драйвери, ҳаётий тамойилларга асосланган тақлиф ва тавсияларни илгари сурувчи ишончли давлат сифатидаги имижимизни мустаҳкамлаяпти.

Ўзбекистон UNESCO билан барқарор ривожланиш, инклюзив таълим, ахборот эркинлиги, инсон ҳуқуқлари ва гендер тенгликни таъминлаш йўналишларидаги ҳамкорлиқни янада мустаҳкамлашдан манфаатдор.

Хотин-қизлар тенглигининг устуворлиги, бу нафақат ижтимоий адолат ёки инсон ҳуқуқлари масаласи, балки миллий сиёсатнинг узокни кўзлаган стратегиясидир.

Аёлларнинг сиёсий фаоллиги, барқарор демократиянинг кафолати, уларнинг иқтисодий ва маънавий салоҳияти эса миллий тараққиётнинг асосий манбаидир.

Ўзбекистон гендер сиёсатини декларатив эмас, балки амалий йўналишда олиб бориши билан минтақадаги давлатлар орасида етакчи бўлиб турганлиги ҳам аниқ ҳақиқатдир.

КЎҲНА ТАМАДДУННИНГ ЯНГИ САҲИФАЛАРИ

Сўнгги йилларда Самарқанд шаҳри Марказий Осиёнинг ташриф қоғози, Ўзбекистонда йирик тadbirkor ўтказиладиган Тошкент шаҳридан кейинги иккинчи шаҳарга айланди. Ўтган қисқа вақт ичида Самарқандда амалга оширилган “Боқий шаҳар” меъморий ансамбли каби йирик бунёдкорлик лойиҳалари ҳудуднинг иқтисодий, ижтимоий ҳамда туристик имкониятларининг ошишига хизмат қилмоқда.



**Фаррух АБДУҲАМИДОВ,
халқ депутатлари
Арнасой туман Кенгаши депутати**

Буни биргина жорий йил давомида бўлиб ўтган Европа Иттифоқи-Марказий Осиё саммити, Самарқанд халқаро иқлим форуми, БМТнинг Давлат хизмати форуми, Ислом фан, таълим ва маданият масалалари (ICESCO) ташкилоти йиғилиши ҳамда айни кунларда бўлиб ўтаётган UNESCO Бош конференциясининг 43-сессиялари мисолидан ҳам кўриш мумкин.

Эътиборли жиҳати шундаки, сўнгги 40 йилда илк бор UNESCO сессияси Париждаги бош қароргоҳдан ташқарида ўтказилмоқда ва унда 42-сессияга нисбатан бир баробар кўп 4500 нафардан ортиқ иштирокчи қатнашмоқда. Бундай нуфузли форумнинг мамлакатимизда ўтказилаётгани ташкилотга аъзо 190 дан ортиқ давлатларнинг Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларга бўлган юксак ишончининг ёрқин ифодаси саналади.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида таъкидлаганидек, бу нуфузли форумнинг Самарқандда ўтказилиши тасодифий эмас, сабаби сўнгги йилларда мамлакатимизнинг таълим, фан, маданият ва ахборот соҳаларида UNESCO билан ҳамкорлиги янги босқичга кўтарилди.

Қолаверса, Хива, Бухоро, Шахрисабз ва Самарқанднинг UNESCO Жаҳон мероси рўйхатида бўлиши тарихий ифтихордир. Аммо бу меросни асраб-авайлаб, уни замонавий тараққиёт билан уйғунлаштириш — Янги Ўзбекистон сиёсатининг моҳияти саналади. Президентимизнинг “Шарқ ва Ғарб, Шимол ва Жануб ўртасида уйғунлик кўприги бўлишга ҳаммиса тайёрмиз” деган сўзлари мамлакатимизнинг ташқи сиёсий стратегиясини фалсафий даражада ифодалайди.

Нутқдаги асосий ғоялардан яна бири — инклюзив таълим ва сунъий интеллект технологияларини таълим тизимига жорий этиш ташаббусидир. Президентнинг “ҳар бир болага тенг имконият” ғояси – ижтимоий адолатнинг замонавий талқини. Бу ташаббус UNESCOнинг таълимда инклюзивлик ва барча учун тенг шароит яратиш концепцияси билан чамбарчас боғлиқ.

Шунингдек, “Сунъий интеллект – мактаб” лойиҳаси ва Сунъий интеллект этикаси бўйича халқаро анжуман ташкил этиш тақлифлари Ўзбекистоннинг фан ва технология соҳасида жаҳон илмий жамоасига тенг қадам қўйиш ниятини намоён этади. Бу, шубҳасиз, келажақда мамлакатимизни таълим ва инновациялар марказларидан бирига айлантириш йўлидаги муҳим қадам бўлади.

Шу билан бирга, дунё халқларининг маданий меросини асраб-авайлаш, “Жаҳон хотираси” дастурини ривожлантириш ва “Ҳужжатли мерос халқаро куни”ни таъсис этиш ҳақидаги ташаббуслар “рақамли маданият” даврида миллий меросни янги шаклда яшатиш имконини беради.

“Хотин-қизлар етакчилиги бўйича UNESCO академиясини ташкил этиш” тақлифини аёллар салоҳиятини жамият ривожини учун стратегик ресурс сифатида баҳолашнинг аққол ифодаси дейиш мумкин. Бу ташаббус нафақат гендер тенглигини таъминлайди, балки таълим, фан ва санъат соҳаларида хотин-қизларнинг илмий ва ижодий салоҳиятини очиб берувчи глобал платформа бўлиб хизмат қилади. Самарқандда ўтказиш тақлиф қилинган “Хотин-қизлар глобал форуми” мамлакатимизнинг бу масаладаги етакчи позициясини мустаҳкамлайди.

Шу билан бирга, рақамли макондаги ахборот манипуляцияларига қарши кураш, ёшларда медиасаводхонлиқни ошириш ҳақидаги фикрлар жамиятимизнинг маънавий иммунитетини мустаҳкамлашга қаратилган. Болалар маданий контенти фестивали ташаббуси эса ахборот давридаги ёш авлод учун илмий ва ижодий тарбиянинг замонавий моделидир.

Хулоса қилиб айтганда, Самарқандда ўтаётган UNESCOнинг 43-сессияси нафақат Ўзбекистоннинг, балки бутун инсониятнинг маънавий бирлиги, маданий ва илмий ҳамкорлигини мустаҳкамлашда янги тарихий саҳифа саналади.

Халқ вакили сифатида давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган ташаббуслар ҳамда сессия якунида қабул қилинадиган ҳужжатлар мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш ва уларни ҳудудий дастурларда ҳам акс эттириш орқали ҳаётга татбиқ этиш олдимизда турган устувор вазифа саналади.

Ибрат



*Сенга тақдим этилаётган ҳар бир кун
мўъжизага тўла! Қалб кўзингни очсанг,
уларни кутиб эмас, борлигидан ҳузур қилиб
яшайсан.*


*Эй инсон, ҳеч кимнинг қалбини оғритма!
Агар билсанг сўздан оғири йўқ. Инсон аслида
жуда ҳам оғир юкни кўтара олади. Лекин
кўнгул ҳамма гапни ҳам кўтара олмайди.*

Жалолитдин РУМИЙ




*Раҳмдил бўлиш
жуда осон, энг
қийини адолатли
бўлиш.*

Виктор ГЮГО



*Бошқаларнинг
фикрини ўйлаб
ўтиргандан кўра,
ўз устингда кўпроқ
ишла.*

Лев Толстой



*“Бахт шундай нарсас: борлигида киши
уни сезмайди, йўқлигида орзу қилади.
Бахтли одам “Мен бахтлиман”, деб
оламга жар солмайди. Инсон ҳеч қачон
бахтга тўйган, бахтнинг етарли, деган
эмас”.*

Эркин ВОҲИДОВ

